




# Фарғона ҳақиқати

Сукрот – дўст,  
лекин энг яқин  
дўст – ҳақиқат.

АФЛОТУН.



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

http://farhaqiqat.uz/

t.me/farhaqiqati

2021 йил 26 март, жума

№ 26 (24519)

## Бағдод тажрибаси: БИР МАҲАЛЛАДА 50 ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ҚУРИЛЯПТИ

Шу каби муҳим ҳаётий жиҳатларни инобатга олиб, туман марказидан 12-13 км. узоқда жойлашган "Мурувват" МФЙ ҳудудига 50 та кўп қаватли уйлар қурилишига киришилди. Ҳозирда 19 та ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилиш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти.



Айни пайтда Бағдод туманидаги 56 та МФЙ-да жойлашган 39 мингдан ортиқ хонадонда 220 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу туман аҳолисининг янги уй-жойга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ипотека кредитлари асосида уй-жой қурилиши тизимини такомиллаштириш, тадбиркорларга имтиёзлар бериш ва рағбатлантириш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган кўплаб қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

олиш лозим. Замонавий массивда янги МФЙ биноси, қўшимча 440 ўринли мактаб, 150 ўринли болалар боччаси, поликлиника, савдо мажмуаси, коворкинг маркази, спорт комплекси, маданият маркази, истироҳат боғи сингари ижтимоий соҳа объектлари қурилишига ҳам киришилди. Электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортиш, ички йўллар қурилиши бўйича ҳам шаҳарсозлик меъморчилиги аъзолари асосида лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди.

**Уйнинг 1 кв. метр нархи 3,5 млн. сўм бўлиб, икки хонали хонадоннинг қиймати 140 млн. сўм, уч хонали уй 168 млн. сўмни ташкил этмоқда. Айтилик, икки хонали уйнинг бошланғич тўлови 21 млн. сўм. Уй олувчига 15 фоиз миқдорда субсидия (14 млн. сўм) берилиши натижасида у атиги 7 млн. сўм маблағ эвазига янги уйга кўчиб ўтади.**

Марғуба Аҳмедова оиласида икки нафар фарзанд тарбияланмоқда. Яқинда янги уйга кўчиб ўтган оилага 10 со-тилик иссиқхона ҳам ажратилди. Лимон экиб тайёр ҳолда тақдим этилаётган иссиқхона уч йиллик имтиёзли давр билан беш йилга берилди.

келар эдик, — дея сўхбатимизни давом эттирди Камола Мирзакаримова. — Му-рожаатимиз асосида бизга ҳам 3 хонали уй ажратилди. Турмуш ўртоғим чилан-гар уста, ўзим чеварман. "Мустақиллик" кичик саноат зонасида ташкил этила-ётган янги корхонага ишга жойлашшиш ниятдадим.

## Президент Фармони — АМАЛДА

Қилмишининг қонунга хилофлигини англаб, қилмишдан чин дилдан пушаймон бўлган шахсларнинг афв этилиши халқимизга хос кечми-римлилик ҳамда бағрикенгликнинг амалий ифодасидир. Давлатимиз раҳбари томонидан Наврўз умумхалқ байрами арафасида "Жазо муд-датини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва туза-лиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармоннинг имзолангани ҳам инсонпарварликдан далолатдир.

## Собиқ маҳкум: «Озодликнинг қадрига етдим»

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-мод-даси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалаш йўлига қатъий ўтган 140 нафар фуқаро афв этилди.

— Озодликнинг буюк неъматлигини тушуниб етдим, — дейди у. — Оилам, яқинларим бағрига қайтишдан ортиқ саодат борми?! Бунинг учун Прези-дентимиздан беҳад миннатдорман. Жазони ижро этиш муассасида қилмишларимни ўйлаб, сидқидилдан пушаймон бўлдим. Меҳнати билан ишончини оқлаб, юрт равнақи учун бор куч-гайратимни сарфлашга аҳд қилдим.

Қува туманилик Абдуллажон Солиев ёшлиқ қилиб, диний оқим таъсири-га тушиб қолди. 2012 йилда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ҳукми билан ўн йил муддатга озодлик-дан маҳрум этилган эди. Қилмишдан чин пушаймонлиги боис афв этилиб, оиласи бағрига қайтди.

Вилоят ИИБ пробация бошқармаси томонидан бу борада амалий ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, уларга бир марталик кўмак пули берилди, тиббий кўриқдан ўтказилди. Айни кунлар-дан иш билан таъминлаш чоралари кўришмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ.



## Кун МАВЗУСИ ЁШЛАР ҲОРДИҚ ЧИҚАРГАНИ ҚАЕРГА БОРЯПТИ?!

Боложонлар учун велосипедлар, ўйинчоқ машиналар, эртақ қаҳрамонлари билан сайр қилиш имкони яратилган. Бироқ, сал орқа томонга қариб борсангиз, зимистон-ликка гарк бўласиз. Бу ердаги чиқарилган бир-иккитасигина ёниқ, холос.

Саҳардан далада кетмон чопиб, оила-сига кўмаклашадиган ёшларимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун эса ҳеч қандай шарт-шароит йўқ. Музаффар Мухамедов ва Хурматилло Абдуллахонов миллий кураш бўйича чемпионларимиздан. Улар бизнинг фахримиз, спорт билан шугулланиш учун қўшни қишлоқдаги мактаб тўғарақлари бориб тайёрланишад-ди, — дейди "Катта кўча" МФЙ раиси Аҳмад Раҳмонов.

Кўштепа тумани "Шакар маҳалла" МФЙда бир неча муаммолар кўзга ташланди. 900 нафардан ортиқ ёшлар истиқомат қиладиган жойда биттагина компьютер маркази бор, холос. Би-лимга чанқоқ ёшлар, қўли гул чевар, пазанда қизлар учун ҳам тикувчилик ёки фан тўғарақлари марказларини учратмадик.

Машгулотларда тайёрланади. Ундан фақат яхши таълим олишини талаб қиламан. Ижтимоий тармоқда Гер-манияда ёшларнинг бўш вақтларини қандай ўтказишлари ҳақида қизиқ маълумотларни ўқиб қолдим. Улар кундуз пайтлари билим олишга вақтларини сарфлашса, тунда ои-лавий дам олгани чиқишаркан. Қарабсизки, бола ҳам билим оляпти, ҳам маданий ҳордиқ. Кун бўйи иш, ўқиш ва уй юмушлари билан толиққан оила аъзоларим билан биргаликда кечки овқатдан сўнг сайрга чиқишни одат қилдик.



## "COVID-19" НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Март ойида мамлакатимизда коронавирус билан касалланганлар сони ортгани жиддий хавотир уйғотди. Айниқса, Тошкент шаҳрида эпидемиологик вазият кескинлашди. Утган суткада пойтахтда 111 кишида, Ўзбекистон бўйича 138 нафар фуқарода коронавирус аниқланди. Бу жорий йилдаги анти-рекорддир. Ачинарлиси, 10 февралдан буён илк марта ўлим ҳолати қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёр-лаш бўйича Республика махсус комиссияси томонидан жорий этилган қатъий карантин чоралари ҳамда вирус тарқалишининг олдини олишга қаратилган самарали тизими натижа-сида касаллик ҳолатлари бирмунча камайди.

Март ойида мамлакатимизда коронавирус билан касалланганлар сони ортгани жиддий хавотир уйғотди. Айниқса, Тошкент шаҳрида эпидемиологик вазият кескинлашди. Утган суткада пойтахтда 111 кишида, Ўзбекистон бўйича 138 нафар фуқарода коронавирус аниқланди. Бу жорий йилдаги анти-рекорддир. Ачинарлиси, 10 февралдан буён илк марта ўлим ҳолати қайд этилди.

Республика махсус комиссияси Ўзбекистонда коронавирус билан касалланиш ҳолатлари ортгани муносабати билан кескин эпидемиологик ҳолат юзасида келиши-нинг олдини олиш мақсадида қатор тақлифларни маъқуллади. Жумладан, жорий йилнинг 24 мартдан бошлаб жамоат жойларида, йирик дехқон бозорлари ва савдо мажмуаларида тиббий никобдан ва антисептик воситалардан фойдаланган ҳолда ҳаракатланиш бўйича санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилиши юзасидан назорат кучайтирилди.

1 апрелдан бошлаб тўйхоналарда оилавий тантана, тўй, маърака ва ташриф-ларни ўтказишда санитария-эпидемиологик назоратни кучайтириш ва маросим-лар буюрувчилар сонини 100 кишидан кўп бўлмаган ҳолда ўтказиш жорий этилади.

Ташриф, кино (кинотеатр) ва концерт-томоша дастурларини ташкил этишда эса томоша дастурлари ўтказиладиган саройларга ташриф буюрувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг қатъий нибобда бўлишларини таъминлаш, сийғимга қараб томошабинлар сонини 50 фоиздан оширмастик, уларнинг тана ҳарорати назо-ратини ўрнатиш, ўриндиқлардан оралик масофани сақлаган ҳолда фойдаланиш, томоша дастурлари ўтказиладиган саройларда савдо шохобчалари фаолиятини тўхтатиш (никоб ва антисептик воситалар савдоси бундан муносабатно), сотилаётган чипталарга «Фақат соғлом бўлсангизгина ташриф буюринг» ёзувини ёзиш орқали аҳолини огохликка чақириш чоралари кўрилади.

Коронавирус балоси хали-вери атрофимизда касал, асло хотиржамликка берилиб бўлмайди. Фуқароларимиздан коронавирозик касаллигининг олдини олиш учун шах-сий масъулиятларини оширишларини сўраймиз. Белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилсак, оиламиз, маҳалламиз, халқимизни асраган бўламиз!

Ҳуломжон ЯҚУБОВ,  
вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси бошлиги ўринбосари.

# Оилавий корхона маҳсулоти экспортга чиқди

Риштон тумани "Чиннигарон" маҳалла фуқаролар йиғинида Сухрабжон Расулов оилавий корхонасида тайёрланган 15 турдаги чинни ва сопол буюмлар ички ва ташқи бозорда харидордир.



**Ш**у кунга қадар 30 минг АҚШ долларлик маҳсулот Қирғизистон, Тожикистонга экспорт қилинди. Йил якунига қадар экспорт ҳажми икки ҳиссага ошди. "Микрокредитбанк" Риштон туман бўлими томонидан "Хар бир оила — тадбиркор" давлат дастури асосида ажратилган 500 миллион сўм кредит оилавий корхона фаолиятини ривожлантиришда қўл келди. Бу ерда 70 дан ортиқ ёшлар, хотин-қизлар иш билан таъминланди. — "Навбахор" sanoat зонасида умумий қиймати 2 миллиард сўм бўлган янги лойиҳани ишга туширамиз, — дейди Сухрабжон Расулов. — Бу иш ўринлари яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ошириш имкониятини беради. Утган йилда "Микрокредитбанк" туман бўлими томонидан 821 нафар миқдорда оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, хунармандчилик йўналишларида 33,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Ўз муҳбиримиз. Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.



## Қишлоқ хўжалиги: истиқбол ва самара

# Сўхта пиллачилик кластери ташкил этилди



**Миришкор сўхликларга ипак курти боқиш ва сифатли "кумуш тола" етиштириш учун қўлайлик яратилди. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг ташаббуси билан туманда тўт плантацияларини яратишга киришилди ҳамда дастлабки пиллачилик кластери ташкил этилди.**

**О**фтобруй маҳалла фуқаролар йиғинида соҳа ходимлари, пиллакорлар ва ишсиз аёллар иштирокида ўтказилган семинарда кластер тизимининг афзаллиги, сифатли озуқа базасини яратиш, янги тўт плантацияларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш ҳақида гапириб ўтилди. Шу ерда «Аёллар дафтари»га киритилган, ипак курти боқишга иштирокида банд 17 нафар аёллар билан меҳнат шартномалари тузилди. Нурунийлар, жамоатчилик иштирокида ер майдонларига серхосил тўт қўчатлари ўтказилди. Келажакда туманда пиллачилик қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тизими яратиш кўзда тутилган.

Рустам ОРИПОВ.

## Қарорга шарҳ

### “Ёшлар дафтари”га киритилганлар моддий ёрдам олиши мумкин

Вилоятимизда ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини жорий этиш, хусусан, "Ёшлар дафтари"га киритилганларнинг бандлигини таъминлаш тизими давом этмоқда. Ҳозиргача таловда тўлдирилган 104 минг 153 нафар ёшларнинг анкети суровномалари электрон платформасига киритилди. Уларни тадбиркорликка жалб қилиш, касб-хунарга ўргатиш ва қайта тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2 минг 968 нафари доимий иш билан таъминланди.

**В**азирлар Маҳкамасининг жорий йил 11 мартда қабул қилинган "Ёшларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида намунавий низоом тасдиқланди. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

- \*"Ёшлар дафтари"га киритилган моддий аҳоли қийин ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатишга;
- \*ёшларни тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатлар 75 фоизгача қисмини қоплашга;
- \*"Ёшлар дафтари"га киритилганларга тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотураж жойнинг 12 ойгача ижара харажатларини қўли билан бир йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача миқдорда қоплашга;
- \*тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;
- \*мамлакатдаги олий таълим муассасаларида ўқитган, "Темир дафтар"га киритилган оилалар фарзандлари тўлов-контракт суммасининг 50 фоизгача, аммо базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб беришга;
- \*"Темир дафтар"га киритилган оилаларнинг аҳоли оғир бўлган бемор фарзандларига мамлакатда ёки хорижий давлатда даволаш билан боғлиқ харажатларни базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган миқдорда қоплашга.

Жамғарма маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш мақсадида манфаатдор муассасалар раҳбарлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат таркибда вазирлик кенгаши тузилди. Вазирлик кенгаши раиси ҳар чорақда жамғарма даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ҳисобот беради. Ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлими жамғарманинг ишчи органи ҳисобланади. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги йилга ўтади ва туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига олиб қўйилмайди.

Ҳозирда шаҳар ва туманларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари асосида "Ёшлар дафтари" жамғармаси ташкил этилди ҳамда унинг маблағлари шакллантирилмоқда. Хусусан, Тошлоқ туманида 489 миллион сўмдан ортиқ маблағ ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган. Секторлар қисмида хатловлар ўтказилиб, 4 мингдан ортиқ ёшлар мазкур дафтар бўйича киритилди.

— Жамғарма маблағлари белгиланган низоом асосида берилади, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Камолдин Умаров. — Айни кунларда талабгорлар бўйича таъминланди. Бу борада туманимизда тегишли ташкилий ишлар бажарилди. Вазирлик кенгаши тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди. "Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш Вазирлик кенгаши қарори асосида амалга оширилади. Асосийси, бу маблағлардан фойдаланишда шаффофлик таъминланади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.

## Яшил водий ОФРИҚЛАРИ

# Жарима билан иш битмайди

Яқинда телеграм ижтимоий тармоғи орқали "Толлар сотилади" номли рекламага кўзим тушди. Реклама муаллифи ички маҳаллий зовурнинг ҳимоя минтақасига экиланган толлари ўз эҳтиёжи учун сотмоқчи эканлигини билдиради. Бундан хабар топган Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат инспекцияси ходимлари кўрсатилган манзилда бўлиб, фуқарога давлат ўрмон фондида қирмайдиغان ерлардаги манзарали дароҳ ва буталар Ўзбекистон Республикаси "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни билан муҳофазага олинганлиги тўғрисида тушунтириб ўтилди, огоҳлантирилди.

**Б**у бир жиҳатдан яхши. Агар фуқаро ижтимоий тармоқда реклама жойлаштирадиган иш тутганда қанчадан қанча дароҳлар бесабаб нобуд бўлар эди. Ҳолбуки, зовур бўйларидидаги дароҳларнинг кесилиши натижасида атрофи ўпирилиб, сизот сувлар оқишига салбий таъсир кўрсатади, экинлар ҳосилдорлигига жиддий зиён келтиради. Марказий Фарғона ерларида бўлганимизда қулоч етмас дароҳларнинг қодилари, атрофга сочиллиб ётган шох-шаббаларнинг аянчили

манзараларига рўбарў бўлди. Қум кўчиқлари, шамолга тўсиқ вазифасини ўтаган дароҳлар шифақатсизларча кесиб кетилган. Халқимиз "Бир туп дароҳ кессанг, ўн туп қўчат эк" деган пурҳикмат нақлни бежиз айтмаган. — Давлат ўрмон фондида қирмайдиغان ерлардаги дов-дароҳларнинг кесилишига чекловлар қўйилиб, мораторий эълон қилинган. Мазкур тадбир орқали 2020 йилда арзimas сабаблар туфайли кесилмаётган 2469 туп кўп йиллик манзарали дароҳ ва буталар сақлаб қолинди, — дейди вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш бошқармаси, биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар масалалари бўлими бош мутахассиси Акмалжон Алигавхаров. — Айниқса, қурилиш ва реконструкция ишлари авж олган ҳозирги кунда ишларни лойиҳалаштириш ва ер майдонларини танлашда ҳудудлардаги манзарали дароҳларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратиш механизми йўлга қўйилмоқда. Шунга монанд мораторий мuddати йил якунига қадар узайтирилди. Белгиланган тартибга қўра, мораторий амал қилиш даврида ваколатли давлат органларига давлат ўрмон фонди

қирмайдиغان ерлардаги дароҳ ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига рухсатнома бериш қатъий тақиқланган. Мораторий даврида ноқонуний кесилган ҳар бир туп дароҳ ва буталар учун ҳуқуқбузарлар зиммасига 3 йил давомида парвариллаш шарти билан 100 туп қўчат экиш мажбурияти юклатилиши белгиланган. Аммо бу хотиржамликка асос бўлмайди. Мораторий жорий этилганига қарамадан, ўтган йилда кўп йиллик манзарали дароҳларни остидан кесиб билан боғлиқ 374 та ҳуқуқбузарлик аниқланган. Уларга нисбатан 355,1 млн. сўм маъмурий жарималар қўлланилиб, ўсимлик дунёсига етказилган 576,9 млн. сўм зарарни ундириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Унга қўра, дароҳлар, буталар, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга

хилоф равишда кесган, қундаков қилган, шикастлантирган, йўқ қилган ёки бошқа жойга қўчириб ўтказган фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баробаридан ўн баробаригача, мансабдор шахсларга эса ўн баробаридан ўн беш баробаригача миқдорда жарима солиниши белгиланди.

Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан она табиятга зарар етказмаётган шахслардан жарима ундирилипти. Аммо жарима тўлаш, товон пулини ундириш билан табиат бойликларини сақлаб бўлмайди. Қолаверса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини соф ҳолича сақлаш табиати муҳофаза қилувчи органларнинг иши деб қараш ноўрин. Уни асраш, ниҳол ўтказиш, парвариллаш барчанинг бурчи.

Расулжон КАМОЛОВ.

## Наврўз ТУҲФАЛАРИ

Риштон туманидаги "Боғистон" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси баҳор, янгилиниш, ишариш байрами — Наврўзни ўзгача шод-хуррамлик билан қарши олди.

# Болажонлар қувончи



**М**аҳалладаги 55-давлат мактабгача таълим ташкилоти биноси капитал таъмирдан сўнг фойдаланишга топширилди. Бу ерда кичик-киноилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ўйин майдончалари болажонларга олам-олам қувонч улашмоқда. — Бу ерда 2 миллиард 285 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди, — дейди таълим маскани раҳбари Нарғиза Ортиқова. — Қўтулғў айём кунларида янгича кўрк олган таълим даргоҳимиз 150 нафар жажжиларни ўз бағрига олди.

Матн ва суратлар муаллифи Шерзод ҚОРАБОЕВ.

## Пресс-тур

# Архив ҳужжатлари тарихдан сўзлайди



"Ўзархив" агентлиги томонидан ташкил этилган пресс-турда Фарғона вилоятида архив иши ва иш юритиш ҳолати оммавий ахборот воситалари ходимларига яқиндан таништирилди.

Иштирокчилар дастлаб Фарғона вилоят давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар ва фотокўргазмани кўздан кечирдилар. Сўнгра ҳужжатлар сақланишини таъминлаш, рақамлаштириш жараёни, реставрация лабораторияси билан танишди. ТИФ "Миллий банк" АЖнинг вилоят филиалида эса идоровий архивда ҳужжатларнинг жамланиши ва сақланиши бўйича ахборот берилди. Журналистлар пресс-тур давомида Марғилон шаҳар давлат архивида тарихий ҳужжатлар асосида ташкил этилган фотокўргазма, архив иши ва иш юритиш ишларини бориб кўришди. Анжуманда Фарғона вилояти архив



ри замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланмоқда. Архивлар томонидан ташкилот ва корхоналар учун соҳага оид ички норматив ҳужжатларни тайёрлаш бўйича 108 та идоровий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Вилоятимиздаги 34 та бошқарма ва унинг тизимидаги 500 дан ортиқ шаҳар ва туман ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича ўрганишлар ўтказилди. Архивлар — бизнинг буюк тарихимиз. Уларни келажак авлодга бекама кўст етказиш соҳа мутахассисларининг муҳим вазифасидир.

**Шоҳсанам ЭШМАТОВА. Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.**

## Ҳушёрлик — кунда керак

# МАИШЙ ГАЗ БАЛЛОНИ

## ХАВФСИЗ ВА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ



**М**аиший газ баллонларидан фойдаланиш, сақлаш ва ўрнатиш борасида ўзига хос қоида ва талаблар мавжуд. Турар жой биноларида газнинг портлаши билан боғлиқ аянчи ҳодисалар, маиший газ баллонларидан фойдаланишда алоҳида ҳушёрлик ва эътибор талаб қилинади. Чунки юқори ҳароратда суюлтирилган газ кенгайиб, босим ортиши натижасида баллондан чиқиб йўқларини қидиради. Баъзи ҳолларда истеъмолчилар газ баллонларини очик ҳавода, яъни, қуёш нурлари тушиб турадиган жойларда сақлашади, бу эса жуда хавфли ҳисобланади. Маиший газ баллонларида асосан қуйидаги ҳолатларда портлаш хавфи ҳосил бўлиши мумкин: — баллондаги газ босимининг меъёрдан ошиши (қуёш нури ёки бошқа иссиқлик манбаи таъсирида 1 градус иссиқлик таъсир қилинганда баллон ичидаги босим 8 кг/м2 га ошиши); — баллондан газни юқори тезликда чиқини унда статик электр ҳосил бўлиб, газ жўмраги орқали баллондаги

чиқиб жойини электрлаштириши натижасида учкун ҳосил қилиши; — баллонларнинг ўз вақтида техник соғлиги ва яроқчилиги махсус рухсатнома эга бўлган ташкилотлар томонидан текширувдан, яъни, махсус лаборатория синовидан ўтказмасдан фойдаланиш давомида портлаши ёки ёрилиши мумкин.

Биринчи мартаба шартнома тузилиб, сотиб олинган суюлтирилган газ баллонини газ таъминоти ташкилотининг ходими тегишли йўриқномадан ўтказгач, истеъмолчи кейинчалик уни мустақил алмаштириб фойдаланиши мумкин.

Аҳоли хонадонларида газ баллонини ўрнатиш жойи лойиҳага мувофиқ бўлиши шарт. Лойиҳа ҳужжатларисиз ўрнатилган ва техник кўриқдан ўтмаган маиший газ баллонларидан фойдаланиш қатъий тақиқланади. Хурматли истеъмолчилар! Ойлада гадан хавфсиз фойдаланиш — фаровон турмуш гарови эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

**Ахборжон ТУРДИЕВ, "Bag dotdumangaz" газ таъминоти бўлими бошлиғи.**

КҮН МАВЗУСИ

# МАКТАБ ОШХОНАСИ: БОЛАЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ КИМ ТАШКИЛ ЭТАДИ?



**Бу нафақат болалар соғлиғи, балки миллат саломатлигига дахлдор мавзу. Тўғри ва соғлом овқатланиш тартиб-таомилларининг ўзлаштирилиши ҳам айнан мактаб ошхоналарида шаклланади.**

Вилоятимизнинг аксарият мактабларида ошхоналар фаолияти тўхтаб қолган, фақат ихчам буфетларгина хизмат қилиб келмоқда. Мактабда ҳар кун камиди 7-8 соат вақтини ўтказиб ўқувчилар 1-2 марта энгил овқатланиши зарур. Кейинги йилларда бу масала бирмунча эътибордан четда қолди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси соғлом овқатланишни ташкил этиш ва табиий хизмат кўрсатишни мувофиқлаштириш шўъбаси мудири Дилшод Мирзакаримов. — Ҳозирги кунларда ошхоналар фаолият юритиши учун жой етишмаяпти. Бундан ташқари, пандемия муносабати

билан карантин эълон қилиниши, мактаб раҳбариятининг эътиборсизлиги, ошхона эгаларининг даромадсиз қолиши каби сабаблар ҳам бор. Мактаблар ошхона ёки буфетлардан моддий манфаатдор бўлмаслиги мумкин, аммо ўқувчилар соғлиғи, етарли ва тўғри овқатланиши долзарб масала. Вақтида овқатланмасликнинг бола таълим-тарбия олишида салбий таъсири бор. — Болаларнинг бир кунда тўрт-беш маҳал овқатланиши жуда муҳим, — дейди Қўқон шаҳар 4-оилавий поликлиника бош шифокори Нодирахон Қўрбонова. — Ошхона-ичмак касалликларининг келиб чиқишига ҳам вақтида овқатланмаслик сабаб бўлади. Айниқса, тушликда иссиқ овқат истеъмолни йўлга қўйиш, турли фаст-фудлардан тийилиш керак.



Қўпчилик ота-оналарда нотўғри тушунча борки, болалари иссиқ овқатдан кўра, кўчада энгил хазм бўлувчи булочка ёки ширинлик истеъмол қилгани маъқул. Аммо бундай егуликларда организм учун фойдали элементлар мавжуд эмас. Бунинг оқибатида ошхона касалликлари, йод етишмовчилиги, иммунитет сусайиши, хотира пасайиши, уйқусизлик ва бошқа асоратлар келиб чиқиши мумкин. Риштон туманидаги 20-мактабда 1300 нафарга яқин ўқувчи ўқийди. Таълим икки сменада ташкил қилинган. Кенг-мўлгина ошхона ҳам, ихчам буфет ҳам бор. Лағмон, гўжа, ош, чучвара, коверма лағмон, сомса каби турли миллий таомлар пишириб сотилади. Ошхона раҳбари Мадамжон Салоҳидиновнинг айтишича, кунига 300-400 минг сўмлик савдо қилинади.

— Болаларни яхши кўраман. Таомларга қатъий нарх белгиламаганимиз, — дейди у. — Икки-уч минг сўмга овқат қўйиб беравераман, ўзи баракасини беради. Уч томонлама шартнома асосида ишляяпмиз. Электр энергияси учун бир ойда ўртача 250-300 минг сўм тўлаймиз. Шу тумандаги 3-ўрта мактабда эса халат бутунлай бошқача. Бир вақтлар ошхона бўлган бино авария ҳолатида, ҳозир омборхона вазифини ўтаётди. — Мактабда ошхона ташкиллашга бир неча бор уриндик, лекин тадбиркорлар унамаепти, — дейди 947 нафар ўқувчиси бор мазкур мактаб директори Ниғорахон Паттаева. — Бир тадбиркор энди ишни бошлаганиди, СЭДдан келиб жарима солишган, ёпиб кетди. Синф хоналари етишмайди, шундай бўлсаям, бир хонани

ажратиб, бошқа тадбиркор билан музокара олиб бораемиз. Яқин кунларда фаолиятини бошласа ажабмас... Вилоятимизнинг бошқа туман-шаҳарларида ҳам аҳвол шу тахлит: қайсидир мактабда ошхона фаолияти йўлга қўйилган, бошқасида эса умуман йўқ ёки буфет билан чегараланган. Ушбу мавзуда ота-оналар ва ўқувчилар билан ҳам суҳбатлашдик. Уларнинг фикрича, мактабда овқатлар сифатли ва арзон бўлиши шарт. — Ота-оналар болаларининг уст-боши, бўюмига эътибор қаратишга, нима еб-нима ичаётганига бефарқ. Ўзим ҳам кўп йиллар мактабда ишлаганман. Ошхона бўлгани яхши, — дейди Бағдод тумани «Боғшамол» МФЙда яшовчи Муҳаммадхон Исаков. — Шаҳарлар ёки туман марказларидаги мактабларда бу борада аҳвол бирмунча яхши, лекин чекка ҳудудларда эътибор берилмайди. Бағдод тумани, Навбахор қишлоғидаги 7-ўрта мактабда «ўқувчи сони камлиги, яқинда мактабнинг филиали қуриб битказилиши ва ўқувчиларнинг ярми ўша ерга бориб ўқиши» баҳонаси билан ошхона ишлямапти. Мактаб директори Жавоҳир Абдурахмонов эса «ошхона фаолият юритиши учун домий хўрандалар керак-да, овқатни сотиб олувчи бўлмасам...» дея бу муаммога ечим топишга ожиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майддаги 132-сонли қарориди кўрсатиб ўтилишича, таълим муассасаларида ошхоналар фаолиятини йўлга қўйишга тўғри келган ҳолларда ошхона бўлими мусулоти бўлиши шарт, тадбиркорлик субъекти (ижарага олувчи) таълим муассасаси (балансда сакловчи) бўлиши шарт. — Болаларнинг соғлиғи ва миллат саломатлиги учун бу масала муҳим. Шунинг учун ҳар бир мактабда ошхона фаолияти ташкил этиши шарт. — Вилоятимизда 950 дан зиёд ўрта таълим муассасалари мавжуд. Уларда энгил конструкцияли, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ошхоналар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва ишга тушириш масалага ечим ҳисобланади. — Вилоят ҳокимлигининг 2020 йил 15 декабрдаги «Вилоятдаги умумтаълим мактаблари, мактабга таълим муассасаларида аутсорсинг тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 327/01-49-сонли йиғилиш баёни асосида ҳозир ўрганилар олиб берилмоқда, — дейди вилоят Молия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Ганижон Солиев. — Келгуси ўқув йилида фарзандларимизнинг санитария талабларига мос ошхоналарда домий овқатланиши тўлиқ йўлга қўйилишига эришамиз. Бу мавзуга яна қайтаемиз.

шартнома имзоланиши зарур. — Мактабимизда 100 ўринли ошхона уч томонлама шартнома асосида домий фаолият олиб боради. Уни қўли ширин ошпаз Адҳамжон Акбаров 20 йилдан буюн бошқаради, — дейди Бағдод туманидаги 1-ўрта мактаб директори Зироатхон Абдурахмонов. — Ўқувчиларимиз вақтида овқатланади, кўчадаги дўконлардан егулик сотиб олишмайди. Ошхонада ҳамма кайнаган сув тайёр туради. Раҳбар оғзига ташаббускор бўлса, тадбиркорларни қизиқтира олса, ошхона фаолиятини бемаълум йўлга қўйса бўлади. Зироатхон опанинг айтишича, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ўқувчилар рўйхати ошпазга ҳам тақдим қилинган. Яъни, бундай ўқувчилар ошхонада бепул овқатланиши мумкин. — Таълим муассасалари ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган хомийлик хайриялари, овқатланиш учун тўланадиган тўловлар (ошхона маблағлари) ҳисобидан ошхона фаолиятини ташкил этиши ҳам кўзда тутилган. Мактаб ошхонасида фаолият кўрсатиш учун бир қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, овқатланиш зали, фойдаланилмайдиган хоналар учун ижара ҳақи соқланмайди, — дейди бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиги Абборжон Раҳмонов. Вилоятимизда 950 дан зиёд ўрта таълим муассасалари мавжуд. Уларда энгил конструкцияли, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ошхоналар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва ишга тушириш масалага ечим ҳисобланади. — Вилоят ҳокимлигининг 2020 йил 15 декабрдаги «Вилоятдаги умумтаълим мактаблари, мактабга таълим муассасаларида аутсорсинг тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 327/01-49-сонли йиғилиш баёни асосида ҳозир ўрганилар олиб берилмоқда, — дейди вилоят Молия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Ганижон Солиев. — Келгуси ўқув йилида фарзандларимизнинг санитария талабларига мос ошхоналарда домий овқатланиши тўлиқ йўлга қўйилишига эришамиз. Бу мавзуга яна қайтаемиз.

Х. БОЙБОБОВ.

## ЭЪЛОНЛАР

### «Far Piramida Invest» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Асакабанк» АЖнинг 2021 йил 12 мартдаги 16/1303-сонли буюртма хатига асосан «Асакабанк» АЖ балансидаги қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

№	Бино ва иншоотларнинг тавсифи	Умумий фойдали майдони (кв.м)	Қурилиш эгалаган майдони (кв.м)	Бириктирилган ер майдони (кв.м)	Мулкнинг бошланғич баҳоси (сўм)	Мулкнинг сотиш шартлари		
						Ҳолиблик баённомаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида тўлалиши зарур бўлган бошланғич тўлов (фоиз)	Тўлов муддати (йил)	Фоиз миқдори (йиллик)
1	Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, «Кўприкбоши» МФЙ, Каттаарик кўчаси, 3-ўйда жойлашган нотурар бино-иншооти	117,72	342,75	583,00	237 848 495	15	5	14
2	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, «Ибрат» МФЙ, Регистон кўчаси, 1-уй, 37-хонадон	53,44	42,24	-	187 203 967	15	5	14
3	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, «Ибрат» МФЙ, Регистон кўчаси, 1-ўйда жойлашган савдо дўкони бино ва иншооти	278,64	69,56	-	236 708 627	15	5	14
4	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, «Ибрат» МФЙ, Регистон кўчаси, 1-уй, 38-хонадон	108,00	85,6	-	377 948 558	15	5	14
5	Фарғона вилояти, Фарғона тумани, «Миндонобод» МФЙ худудидида жойлашган молхона бино-иншоотининг бир қисми	1 366,99	1300,75	1 366,99	1 064 880 425	15	7	14
6	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, «Юлдуз» МФЙ, Янги аср кўчаси, 78-а ўйда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари	848,85	1 356,48	1 686,98	787 122 703	15	7	14
7	Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, «Тағоб» МФЙ, Охта тағоб қишлоғида жойлашган тикувчилик цехи биноси	239,27	370,26	1 573,41	636 039 788	15	6	14
8	Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, «Тағоб» МФЙ, Охта тағоб қишлоғида жойлашган гишт ишлаб чиқариш цехи биноси	187,7	1 025,56	30 000,00	838 602 689	15	7	14
9	Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Ҳамза кўчасида жойлашган савдо мажмуаси	631,24	495,00	495,00	1 946 078 564	15	7	14

### Аукцион савдоси 2021 йил 28 апрель кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмалар расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Буюртмаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2021 йил 26 апрель кунини соат 18.00 гача.

Аукцион савдоси «Асакабанк» АЖ биносидида бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2021 йил 26 апрель кунини аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 15 май, 2, 21 июнь, 8, 26 июль, 12, 30 август, 15, 30 сентябрь ва 15, 30 октябрь кўнлари бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган бино-иншоотлар билан «Асакабанк» АЖ вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдода қатнашни учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода

тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдирилганда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ҳолиблигига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Бино-иншоотлар сотилиш баҳосининг тўлов муддатлари ва бошқа шартлар сотувчи ҳамда харидор ўртасида олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади. Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Far Piramida Invest» МЧЖнинг «Асакабанк» Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/П: 2262600804602810001, МФО: 00539, СТИП: 300353028.

**Манзил:** Фарғона шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси, 7-«в» уй, 75-хонадон.  
**Телефон:** 90-630-66-99. www.fer-pmd.uz.

Лицензия: RR-0131. Хизматлар лицензияланган.

### ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

вилоятда жойлашган акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги давлат акция пакетларини фонд биржа савдоларига чиқариш ва сотиш жараёнида профессионал инвестиция воситачилар (брокерлар)ни танлаш бўйича

#### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

**Танловдаги таклифларни танлаб олишнинг асосий шартлари ва мезонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:**  
1. Инвестиция воситачиси (брокерлик идораси) тўғрисида умумий маълумотлар:  
— инвестиция воситачиси ҳақида маълумот, тўлиқ номи ва манзили;  
— штатда мавжуд ишчиларининг умумий сони, шундан малака гувоҳномасига эга ходимлар сони.  
2. Фонд биржасидаги фаолияти ва иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотлар:  
— брокерлик идораси номери;  
— кафолат фонди миқдори;  
— бугунги кунда давлат акциялари сотилаётган NEGO BOARD ва ПО (IPO/SPO) майдончаларда ишланган тажрибаси (мазкур майдончаларда амалга оширилган савдолар ҳақида маълумотлар).  
3. Инвестиция воситачиси (брокерлик идораси) молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек:  
— расмий веб-сайти;  
— бошқа интернет манбалари (телеграм канал,

бот ва бошқалар олқишланади).  
4. Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда инвестиция воситачиси хизматларини кўрсатиш ваколатини берувчи лицензия, шунингдек, ходимларнинг малака гувоҳномаси нусхасалари.  
5). Воситачилик хизмати кўрсатиш тарифларининг миқдори.  
6). Инвестиция воситачиси (брокерлик идораси) томонидан давлат акция пакетини сотиш юзасидан амалга оширилган тарғибот ишлари тўғрисида маълумотлар.  
Юқорида кўрсатилган ҳужжатларни 2021 йилнинг 19 мартдан 29 мартга (соат 9.00 дан 18.00 гача) қадар Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилоят худудий бошқармасига ёки худудий бошқарманинг интернет тармоғидаги (www.davaktiv.uz, fergana@davaktiv.uz) электрон почта манзилига тақдим этишини сўраймиз. Тақдим этилган ҳужжатлар 2021 йил 30 март кунини соат 15.00 да худудий бошқарма мажлислар залида кўриб чиқилади.

### БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят худудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнидаги янада жадаллаштириш тўғрисида»ги 6167-сонли Фармонига мувофиқ Фарғона вилояти, Риштон

тумани, «Оқер» МФЙ, Учариқ қишлоғида жойлашган Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасининг бино-иншоотлари ва асосий воситалари (мулклик мажмуа) баҳоланган нархда сотиш юзасидан «E-JRO AUCTION» электрон савдо майдончаси орқали жорий йилнинг 15 апрель кунини бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади.

№	Объект номи	Манзили	Умумий ер майдони (га)	Қурилиш ости майдони (кв.м)	Бошланғич нархи (млн. сўм)	Аукцион савдоси бўлиб ўтадиган кун
1	Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси	Риштон тумани, «Оқер» МФЙ, Учариқ қишлоғи	1,08	7 177,4	3 596,3	15.04.2021

**Изоҳ:** 1. Мазкур мулклик мажмуани сотиб олиш тўловлари 90 кун давомида амалга оширилиши шарт. 2. Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаларида сикланган табиий газни сотиш фаолиятини амалга ошириш лицензияси бор харидор лицензия талабларига жавоб бера, ушбу лицензия унга белгиланган тартибда расмийлаштирилади.  
**Мурожаат учун телефонлар:** 73 244-18-47, 73 244-29-61.  
**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят худудий бошқармаси.**

Марғилон педагогика коллежини 2009 йилда тамомлаган Мардонова Дилёра Фахридиновна номига берилган К 1481388 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли <b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b>	Олтиариқ маийш хизмат касб-хунар коллежи (ҳозирги Олтиариқ туманидаги 2-сонли касб-хунар мактаби)ни 2018 йилда тамомлаган Юсупова Назира Равшанжон қизи номига берилган К 5213818 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли <b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b>
Фарғона педагогика коллежини 2011 йилда тамомлаган Қодирова (Пирматова) Хидоятхон Исмоилжон қизи номига берилган К 2153692 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли <b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b>	Қиргули қурилиш касб-хунар коллежи (ҳозирги Фарғона касб-хунар мактаби)ни 2005 йилда тамомлаган Марданова Дилёра Фахридиновна номига берилган К 323968 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли <b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b>

Адабиёт БАЙРАМИ

«Бадий ижод – қалбнинг одамларга ишониб очиб бермоқдир» деган эди таниқли норвег ёзувчиси Юхан Борген. Чиндан ҳам. Ёзувчи таъбири билан айтганда, «Одамзодни фаолроқ қилмоқ, унинг қобилиятлари, ҳаётот кучини рағбатлантирмоқ учун ва шу билан унга ато этилган ҳаётни янада тўлақонли қилмоқ учун» керак бўлган ҳар қандай ижод намунаси фақат юракларни макон тутишга интилади.



# Ижодкорларнинг янги китоблари тақдимоти

Бугун янги китоби нашр этилган 7 нафар фарғоналик ижодкор ҳам ўз қалбини китобхонларга ишониб топширмақда ва шубҳасиз ёзганлари ўқувчининг кўнглида акс-садо беришни озуламоқда. Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Ҳанифа Уматқулованинг «Ишонч кўрғони», Уктамхон Солиеванинг «Опоқижон, опоқи», истеъдодли ёш ижодкорлар Дилшоа Эргашеванинг «Юрак тортмаси», Дилнавоз Қўлдошеванинг «Кўнглимга кўчади фарғонагуллар», Мунира Қўнонованинг «Кўёшга айланса юрагим меним», Мамлакат Уктамнинг «Вужудимга беркинган кўнглим», Оқилжон Гофуровнинг «Меҳрдан яралган дунё» асарларининг тақдими адабиёт байрамига айланган. Унда адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, шеърят мухлислари жам бўлишди. Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Эноҳон Сиддиқова мамлакатимизда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги бошқичага кўтарилгани, уюшманинг молиявий кўмағида чоп этилиб, асрлар тақдими ўтказилаётган буғун ҳам халқимиз маънавий оламини бойитиш, замон қаҳрамонлари об-

разларини яратиш, сара асарларни китоб ихлосмандларига тақдим этиш сингари эзгу ишларнинг жонли намунаси эканлигини таъкидлади. Фарғона давлат университети олимлари – филология фанлари доктори, профессор Сиддиқ Мунино, филология фанлари номзоди, доцент Гўзалхон Мухаммаджонова, докторант Рустам Умрзоқов янги китобларнинг бадий-адабий таҳлили, ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритдилар. «Калишчаси оқиб кетган, тўнчаси бор, Юрағида ўзи тенги уйчаси бор. Кўёшелга, бодомқовоқ отасининг Кетмонига етар-етмас бўйчаси бор», дея қишлоқ қизининг оташин туйғуларини шеърга солаётган ёки «Кўк синди, дунёни синдирди чақин, Ишқ яқин, ишқ яқин, ишқ яқин...» сатрларини шеърхонга қадрдон қила олган Дилшоа, «Кўзларимни ювади томчи, Юрагимга санчилгандир тиг. Кирпигимни кучоқлаб олиб, Карвон келар, у соғинч отлиг» дея китобхонни ўз қалбига бошлаб бораётган, бошқаларга ўхшатиб

ёзишдан қочаётган Мунира, «Боқсанг, бургутнигоқ кўзларингда боқ, Унга ярамайди чалажон оқлар. Бошингни осмонга тутқазиб қўйиб, ўргатар тоғлар» дея табиатнинг инсон руҳияти билан муштарак ҳақиқатларини излаётган Дилнавознинг шеърларини мутулаа қилиб, ёш ижодкорларнинг доимо саросар кўнгли, жонсарақ қалби, ўзигагина хос бўлган оламини тинглагандай бўласиз. Уларнинг бадий ижоддаги иқроори, англаганлари, англаторчи бўлганлари тобора қалб-у шуурингизга яқинлашади. Бола олами билан дўст тутиниш, сирлашгани ниҳоят қилган, унинг яхшилик ва чексиз оруз-умидларга ошно этишга интилаётган шоира Уктамхон Солиеванинг ёзганлари, Мамлакат Уктамнинг қозғов ва қаламдан топан бахтини ифода этган мисралари шеърга ташна юракларга, албатта, керакли, ўқимшли бўлишига умидлар билдирди. Уларнинг олдида ожиз турган одамлар қалбига яшаш ҳикматиини синдиришни мақсад қилган Моҳитун (Ҳанифа Уматқулова), атрофдагиларни фақат меҳр ва садоқат либосида кўришни орузлаётган

Оқилжон Гофуровнинг қисса ва ҳикоялари сизни қадрдон туйғулар сайрига чорлаши эътироф этилди. Янги китоб муаллифларининг дил сўзлари тинланди. — «Кўнглимга кўчади фарғонагуллар» — менинг учинчи китобим, рамзий маънода учинчи ижодий фарзандим, демек. Унинг дунёга келиши, элга туҳфа қилинишида катта кўмак берган вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига раҳматлар айтаман. Елкандаги маънавий қарзимни юрак ижодий изланишлар, муваффақиятлар билан адо этишга, бу ишончи баланд шеърлар, ёниқ сўзларим билан оқлашга интиламан, — деди ёш ижодкор, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилнавоз Қўлдошева. Китоблар тақдими Наврўз мушоирасига уланди. Китобни офтобга қиёсласанг — энг гўзал таъбир, аслида. Фарғона халқининг китобхонлик, ижодсезларлик фазилати бу кутлуғ заминга маънавий кўёш хамилалик йўлдош эканлигини англайди. Бугун ўқувчиларга туҳфа қилинган китоблар ҳам юртдошларимиз қалбига ижод нури, адабиёт ёлқинини олиб кирса, не тонг.

# Ўтганлар ёди УЧ БУЮК ДАРЁНИНГ ҒАВВОСИ



Энасий дарёси ёқаларидаги туркийзабон ёзувлар тилимизнинг илк тамаддунига гувоҳлик беради. Шу боис наинки ўзбек тили, балки унинг лугат хазинасидаги битта сўзнинг туғилиши, маъноий умри ҳақида ўйлаш, ўқиб-излашни учун ҳам катта юрак, катта муҳаббат керак аслида. Домла Акбаржон Матғозиевнинг она тилимизга муҳаббати ана шундай улкан, у устози, туркийшунос олим Шербак таъбири билан айтган «Илм қилишга катта юракли» эди.

Ҳақиқатгўйлик, камтарлик, чин илм учун қурашувчан устозларни эслашимиз каби хотираларини тинглаб, илмдаги поклик жилвасини кўргандай бўламиз. Профессор Урта Осиев мамлакатлари, шунингдек, Россия, Украина, Бошқирдистон, Татаристон, Эстония, Озарбайжон каби ўнлаб давлатларга илмий сафарлар қилди. Туркия, Боку, Санкт-Петербургдаги халқроқ журналларда туркий тил имкониятлари, жозибаси ҳақида мақолалар чоп этирди. Унинг 3 мингтадан ортиқ туркий, араб, форс тилларидаги тарихий, илмий, бадий китоблар, нодир кўлэмалари, бир неча аср кўрган лугатларни ўзида жам этган шахсий кутубхонаси авлодларига бебаҳо мерос бўлиб қолди. Олимнинг набираси Сурайё Гофурова бобоси каби тилимиз тарихини тадқиқ қилаётган олима. 2014 йили Фарғона давлат университетида Акбаржон Матғозиев таваллуднинг 80 йиллиги кенг нишонланди. Олим хотирасига бағишланган «Камтарлик тимсоли» китоби нашр қилинди.

Учкўприк туманининг Каттақорақул қишлоғида, араб ва форс тили, ислом илми соҳиблари хонадонидан туғилган Акбаржон эски ўзбек ёзувидаги китобларни беҳато ўқиб, ҳар икки тилда хат битишни узда қиларди. Фарғона педагогика институтида академик Фанижон Абдурахмонов илмий раҳбарлигида туркий тил тарихини ўрганишга киришган ёш олим йиллар ўтиб, ўзбек тилишунослигида санокли бўлган туркийшунос олимларнинг олдинги сафларида бўлди. У Навоий, Бобурнинг асл туркий тилда битилган девонларини варақлар, ҳар сафарги мутулаадан сўнг ўзбек тилининг умрбоқийлиги сирлари, жозибаси ҳақида анги фикр топарди.

«Чин олим ёстугин тошдан яратди» Ҳазрат Ясавийнинг ушбу ҳикмати ҳаловатсиз тунларда ҳам мутулаа билан банд бўлган, топганлари, кашф этганлари, илмий мулоҳазаларини китобларга жамлаб яшаётган олимларнинг заҳматли ҳаёти ҳақидаги ҳақиқат.

Оқим қарийб 55 йил Фарғона давлат университетида меҳнат қилди. Ўзбек тилининг морфологияси, синтаксиси, лексикасини жиддий ўрганди. Бу борада Юдахин, Радлов, Малов, Бартольд сингари етук туркийшунос олимлар изидан борди. Санкт-Петербургда (собик Ленинград) тилшунослик институти профессорси Александр Шербак «Сиз туркий тилдаги ҳар бир китобни туркча юрак билан ўқиб, туркча онг билан тадқиқ қила оласиз. Сизнинг ютуғингиз шунда!» деган эди. Ҳақимхон ибн Саййид Маъсумхоннинг темирйилар тарихига оид «Мунтахаб ул-таворих» асарини, халқ озаки ижодининг қадимий намунаси «Хотамнома» достонини эски ўзбек тилидан транслитерация қилганида, қадимий лугат-руник обидалардан тортиб, «Девони луготит турк», «Куттадуғ билиг»ни шарҳ қилганда ҳам ўша туркча юрак, туркча тафаккурига ҳам эди.

Уша уч буюк дарёнинг ғаввоси — профессор Акбаржон Матғозиевнинг она тилимиз тадқиқи, унинг улугвор сифатларини кашф этишга бахшида бўлган онгли ҳаёти нақадар ибратли.

«Ўзбек тили уч буюк дарё — туркий, арабий, форсийдан сув ичиш баробарида эски лотин, хитой, мўғул, рус, Европа тилларидан баҳра олгани боис жуда бой, ҳеч бир тилда бўлмаган шаклдош сўзлар санъати — туюқ ўзбек тилида бор, бошқа халқда йўқ аския, сўз ўйини бизда мавжуд. Ҳар қандай миллатнинг ўқ илдизи — унинг тили, шубҳасиз. Ана шу илдиз бақувват, соғлом бўлса, миллат ҳам тирикдир». Бу сўзлар Акбаржон Матғозиевнинг узоқ йиллик илмий изланишлари ҳулосасига эмас, ҳаёти мазмуни, она тилига, миллий ўзликка ҳурмати ифодаси ҳам эди.

Уша уч буюк дарёнинг ғаввоси — профессор Акбаржон Матғозиевнинг она тилимиз тадқиқи, унинг улугвор сифатларини кашф этишга бахшида бўлган онгли ҳаёти нақадар ибратли.

Уша уч буюк дарёнинг ғаввоси — профессор Акбаржон Матғозиевнинг она тилимиз тадқиқи, унинг улугвор сифатларини кашф этишга бахшида бўлган онгли ҳаёти нақадар ибратли.

Илмдаги поклик саодати

Олимни таниган-билганларнинг «Домла илм йўлини тутиб, давлат йиғмади, китоб йиғди», «У — ўзи ҳалол, илми ҳалол олим эди», «Акбаржон Матғозиев десак, аввало,

Дилнавоз Қўлдошева.


# БУДДА ИБОДАТҲОНАСИНИНГ СИРИ

Биз билган, билмаган ҳақиқат

Қува туманидаги қадимий шаҳристонда бир вақтнинг ўзида буддавийлик, насронийлик, зардуштийлик динига мансуб топилган ашёлар кўнра маскан ҳақидаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилади.

қизқарли маълумотларни берди. Шаҳристоннинг шимол қисмида, ўрта асрларга мансуб марказий кўрғон деворидан тахминан 40 метр узоқликда эгри тепалик кўпчиликнинг эътиборидан четда қолиб келарди. Унинг атрофи қамишзор, ботқоқликдан иборат эди. 1957 йилда археолог В. Булатова тепаликни ўрганиб, бу ерда топилган ашёлар шу кунга қадар топилган топилмалардан қадимийроқ эканлигини аниқлади. Шу йилги маъмур тепаликка шурф (дастлабки кўрик учун кичик ҳажмли қазилма ҳудуди) солиб кўрилди. Натияжада

силликланган қора ва қизил ангоб (ранг) ли юпка сополлар тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳатто улар орасида геометрик шакллар туширилган сополлар ҳам учради. Бу турдаги сополлар миллиодий эра бошларига мансуб эди. Қазилмаларда ҳайкал фрагментлари ва тилла суви юритилган девор сувоқ парчалари ҳам топилди. 1958 йилга ўтиб археологик тадқиқотлар ҳудуди кенгайтирилди. Қазилган участкадаги бино деворининг қалинлиги 1,6 м.ни ташкил қилиб, у захликдан қаттиқ зиён кўрган. Бино ичида девор бўйлаб 35-40 см. баландлиқдаги супа



Айниқса, Будда ибодатхонаси билан боғлиқ осори атиқалар қадим масканда яшаб ўтган аҳоли маданияти, урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. 1939 йилда бошланган археологик изланишлар Шаҳристонда ишлашарлик, қулчилик, оқва сув тизими, танга зарб қилиш, мустаҳкам мудофаа иншоотларига оид

тепаликнинг устки қисмида пахса ва хом гиштлар билан қўрилган мустаҳкам иншоот қолдиқлари борлиги маълум бўлди. Бу ерда кучли ёнғин содир бўлганлигини кўрсатувчи топилмалар яққол кўриниб турарди. Шурф солинган жой девор ёнидаги махсус супа бўлиб чиқди. Унинг устида мармар ва сердолик тошдан ясалган мунчоқлар сочилиб ётарди. Сирланмаган қалин таналик ошхона сополлари ва

жойлашган. Супа девори ва полига махсус сувоқ суртилган эди. Жанубий девор олди бинонинг кириш қисмигача тозаланган, умумий узунлиги 8,6 м. эканлиги маълум бўлди. Ичкари хонага қирадиган эшик эни 1,7 м. ташкил қилди. Кириш девориде эшик ромларининг изи кўриниб турарди. Ичкарида эшикка қотирилган темир деталларнинг куйган қолдиқлари бор. Хонанинг узунлиги 12,3 метр бўлиб поли шимолга қараб



МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati MChJ

Бош муҳаррир: Мухаммаджон ОБИДОВ

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.